

ТАЪЗИЯ



20:47 / 10.08.2020 2853

Nilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Тошкент ислом институтининг «Таҳфизул Қуръон» кафедраси ўқитувчиси Жаҳонгир қори Рўзиевнинг қайнотаси, Тошкентдаги «Ҳазрати Али» жоме масжиди муаззини Аҳмадхўжа қори Шамсиевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали таҳририяти